БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 55 (18.831). • Шанба, 3 март 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида партия, давлат ва хўжалик қурилишига доир бир қанча масалаларни муҳокама қилди.

Мамлакатда СССР Олий Советига сайловга тайёргарлик, депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ниҳоясига етганлиги тўғрисидаги ахборот тингланди. Бу учрашувлар партия билан халқнинг мустаҳкам жипслигини, меҳнаткашлар КПСС ва Совет давлатининг ички ҳамда ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаётганлигини, КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленуми қарорларини ва ундан келиб чиқадиган амалий вазифаларни тўла маъқуллаганлигини яна бир марта намойиш қилди. Сайловолди йиғилишлари иштирокчиларнинг нутқлари, депутатликка номзодларга берилган наказлар совет кишиларининг Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашдан, халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришдан, ишнинг ҳамма участкаларида уюшқоқлик ва интизомни оширишдан ғоят манфаатдорлигини кўрсатиб турибди.

(Давоми учинчи бетда).

# ХАЛҚ БИЛАН ПАРТИЯ ЯКДИЛ

## *Сайловчиларнинг К. У. ЧЕРНЕНКО билан учрашуви*





КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИ. Москва Куйбишев сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети депутатлигига номзод ўртоқ К. У. Черненко билан учрашуви. (Сурат «Правда»дан олинди).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — жамиятимизнинг раҳбар ва раҳнамо кучидир. Меҳнаткаш халқ манфаатларига хизмат қилиш, совет кишиларининг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партия фаолиятининг олий мақсадидир. Сайлов кампанияси Ленин партияси билан халқнинг бузилмас бирлигини, социалистик жамиятнинг метиндек жипслигини яна бир бор яққол намойиш қилмоқда. КПССнинг ҳар бир меҳнатчи, ҳар бир оила турмуш даражасини янада оширишга, Совет Ватанининг иқтисодий ва мудофаа қудратини юксалтириш, ялпи тинчлик ва халқлар хавфсизлигини сақлаб қолиш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатини совет кишилари якдиллик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар. Меҳнаткашлар СССР Олий Советига ўтказиладиган сайловни ишлаб чиқаришда ютуқлар билан кутиб олаётганликлари бунинг далилидир.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорлари, ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумдаги нутқи мамлакатда юксак сиёсий ва меҳнат кайфиятини вужудга келтирди, меҳнат коллективларини партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга оширишга, 1984 йил ҳамда умуман беш йиллик план ва мажбуриятларини бажаришга сафарбар этди.

2 март куни Москвада, Кремлнинг съездлар саройида Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Москва Куйбишев сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Константин Устинович Черненко билан учрашувга бағишланган сайловолди йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари К. У. Черненко, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Г. В. Романов, М. С. Соломенцов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларининг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари Москва ва пойтахт Куйбишев райони партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам президиумдан жой оладилар.

Сайловолди йиғилишини КПСС Куйбишев район комитетининг биринчи секретари Ю. А. Прокофьев очди.

Бугун Куйбишев райони меҳнаткашлари, барча Москваликлар ҳаётида ажойиб кундир, — деди у. Бизлар СССР Олий Совети депутатлигига ўз номзодимиз Коммунистик партия билан Совет давлатимизнинг атоқли арбоби, улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Константин Устинович Черненко билан учрашмоқдамиз.

Нотиқ ўртоқ К. У. Черненкога мурожаат қилиб, уни КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайланганлиги билан пойтахтнинг Куйбишев райони меҳнаткашлари ва аҳолиси номидан табриклади, унга сиҳат-саломатлик, партия, халқ, улуғ Ватанимиз манфаатлари йўлидаги ишида битмас-туганмас куч-ғайрат, янги ижодий муваффақиятлар тилади. У ўртоқ К. У. Черненко Москва шаҳридаги 11-Куйбишев сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик берганлиги учун ҳам унга самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Барча москваликлар, бутун совет кишилари сингари район меҳнаткашлари ҳам КПСС ва Совет давлати раҳбарларини СССР давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига ўзларининг биринчи номзодлари қилиб кўрсатиб, жонажон Ленин партиясига ўзларининг чексиз ишончини изҳор қилдилар, партиянинг жанговар штаби — КПСС Марказий Комитети теварагида жипслашганликларини яна бир бор намойиш қилдилар.

Барча совет кишилари каби Куйбишев районининг коммунистлари ва меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг ўртоқ К. У. Черненкони партия Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайлаш тўғрисидаги бир овоздан қабул қилган қарорини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқида мамлакатни бундан буён социал-иқтисодий ривожлантиришнинг, тинчликни сақлаб қолиш учун курашнинг кенг кўламдаги вазифалари ўртага қўйилди, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ишлаб чиққан сиёсий йўл бундан буён ҳам оғишмай амалга оширилиши таъкидлаб ўтилди.

Февраль Пленуми ички ва ташқи сиёсатда Коммунистик партия билан Совет давлати ўтказаётган йўлнинг давомийлигини яққол тасдиқлади. Район коммунистлари, меҳнаткашлари ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумдаги нутқида ўртага қўйилган вазифаларни раҳбарлик ва оғишмай ижро этиш учун қабул қилмоқдалар.

Барча совет кишилари Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби Константин Устинович Черненкони коммунизм улуғ идеалларини рўёбга чиқариш учун толмас курашчи сифатида яхши биладилар, деди сўнгра нотиқ. Ўртоқ К. У. Черненко катта ҳаёт, партия, давлат ишлари мактабини ўтди. Партия уни қаерга юбормасин, у ҳамиша ўзининг тажрибали ташкилотчи эканлигини намоён этди. У партия бош йўлини шакллантириш ва амалга оширишга катта ҳисса қўшди. Ўртоқ К. У. Черненко партия ва давлат фаолияти ленинча услубини такомиллаштириш, партия ташкилотларининг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилмоқда. У ишга ижодкорлик ва коллективизм руҳини сингдириб меҳнаткашларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини чуқур англаб доимо ҳисобга олмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

# *Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи*

Азиз ўртоқлар!

Бу ерда сўзга чиққан ҳамма кишиларга, мени СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатган Москванинг Куйбишев райони барча меҳнаткашларига самимий миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсиз. (**Қарсаклар**). Бу ишончни мен партиямиз ленинча йўлини қўллаб-қувватлаш деб, партия Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг фаолиятини маъқуллаш, деб биламан. Сизларнинг депутатингиз бўлишдек юксак шарафни оқлаш учун ўзимнинг бутун кучимни сарфлайман, деб Сизларни ишонтираман. (**Давомли қарсаклар**).

Ҳали яқиндагина биз оғир жудоликка учрадик — партия билан давлатнинг атоқли арбоби Юрий Владимирович Андропов оламдан ўтди. У Ленин типидаги раҳбар эди. У эскиликка ва бир қолипдаги ишга тоқат қилиб турмас, ўзибўларчиликни бартараф этиб, одамларни Ватан қудратини мустаҳкамлаш манфаатлари, ер юзида тинчлик манфаатлари йўлидаги аҳил ишга йўналтира олар эди. Унинг раҳбарлигида партия Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси мамлакат ҳаётидаги муҳим ижобий силжишларни бошлаб бердилар.

Жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларига доир коллектив равишда ишлаб чиқилган йўл-йўриқлар, кейинги вақтларда эришилган нарсаларнинг ҳаммаси — салмоқли сиёсий бойликдир. Биз бу бойликни авайлаб-асраб кўпайтиравераммиз. (**Давомли қарсаклар**).

Ўртоқлар! Сайловолди кампанияси ниҳоясига етмоқда. Сайловчиларнинг йиғилишлари зўр активлик билан ишчанлик руҳида ўтганлиги бу йилги кампанияга хос хусусият бўлди. Бу кампания партия билан халқ мустаҳкам бирлигининг жонли гувоҳига айланди. (**Қарсаклар**). КПСС Олий Советга ўтказиладиган сайловга ғоят катта аҳамият бермоқда. Аслини олганда бу — Совет ҳокимиятининг меҳнаткашлар олдидаги ҳисоботи-ку, ахир. Бу — омма социалистик давлатни бошқаришга вакил қилган одамларнинг иши устидан унинг контроллик формаси ҳамдир.

Омма билан ҳамиша рўй-рост, виждонан гапириш — партиямизнинг традициясидир. КПСС Марказий Комитетининг партия сайловолди платформаси баён этилган Мурожаати айни шундай ёндашув ифодасидир.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва секретариатидаги ўртоқларим сайловчилар ҳузурида сўзлаган нутқларида бизнинг ички ва ташқи сиёсатимиз тўғрисида, келгусидаги режалар ҳақида муфассал гапирдилар. Менга ҳам шу хусусда баъзи фикр-мулоҳазаларни айтиб ўтишга ижозат бергайсиз.

1.

Партия экономика масалаларига нақадар кўп эътибор бераётганлигини сизлар яхши биласизлар. Бу масалалар КПСС XXVI съездининг иши ва қарорларида жуда катта ўрин олган эди. Марказий Комитетнинг 1982 йил ноябрь ва ўтган йил декабрь Пленумларида ушбу масалалар реалистик тарзда таҳлил этилди. Мамлакатни хўжалик жиҳатидан ривожлантиришнинг бир қанча энг муҳим проблемалари аҳамияти Марказий Комитетнинг февраль Пленумида таъкидлаб ўтилди.

Шу жиҳатдан Олий Советга аввалги сайловдан кейин ўтган давр тўғрисида нималар дейиш мумкин?

Умуман бу давр самарали бўлди. Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучлари мустаҳкамланди ва анча янгиланди. Замонавий техника билан жиҳозланган мингдан кўпроқ саноат корхонаси ишга туширилди. Ишлаб турган завод ва фабрикалар талай ҳажмда реконструкция қилиниб, янгиланди. Ваҳолонки, бу соҳада ҳали истаганимиздан камроқ иш қилинганлигини тўппа-тўғри айтиб ўтаман. Халқ хўжалигининг ёқилғи-энергетика базаси ривожланди. Салкам 40 минг километр узунликдаги магистрал газ қувури барпо этилди — жаҳон практикаси ҳали бундай кўламлар ва суръатларни кўрмаган эди. Биз кўпгина заводлар, шаҳарлар ва қишлоқларни табиий газ билан таъминлай олдик. Турмушда газдан фойдаланаётган кишилар сони 30 миллион нафар кўпайди.

Шу йиллар бошқа кўпгина соҳаларда ҳам талайгина муваффақиятлар билан нишонланди. Масалан, бизда бир ярим миллион киловатт қувватли ноёб ядровий реактор яратилди. Мамлакатимизда барпо этилган қудратли атом музёрар кемалар Арктикани ўзлаштириш тарихига янги саҳифа ёзди. Ўта чуқур қудуқлар қазиш ёрдамида ер бағрини разведка қилиш бошланди. Саноат ва медицинада техник лазерлар кенг қўлланиладиган бўлиб қолди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун кўп иш қилинди. Бу соҳада меҳнатнинг энергия билан таъминланиши 30 процент ошди. Колхоз ва совхозларга минерал ўғит етказиб бериш салкам учдан бир ҳисса ортди. Булар қишлоқда меҳнатни ташкил этиш ва хўжаликни бошқарувнинг янги формаларини ривожлантириш билан қўшилиб, сезиларли натижалар бермоқда.

Ўзингиз ўйлаб кўринг. Ўтган йили ҳам об-ҳаводан омадимиз келмади, шунга қарамай донли экинлар ҳосили 190 миллион тоннадан ошиб кетди. Чорвачилик маҳсулдорлиги ҳам анча ўсди. Буларнинг ҳаммаси ҳатто қийин шароитларда ҳам яхши ташкил этилган зарбдорларча иш ўз самараларини беришини яна бир бор тасдиқлаб турибди. Ҳозир гап конкрет равишда кишиларни сафарбар этиш, жамики машина-механизмларни шай қилиб қўйиш, дала ишларининг аниқ-пухта ташкил этилишини таъминлаш тўғрисида бормоқда. Бу ишларни пайсалга солиб ҳам бўлмайди — кўкламги экинтикинга озгина вақт қолди. Чорва қишловини муваффақиятли тугаллаш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиш зарур.

Ўтган беш йилликда халқаро ҳаёт чигалликлари бизни мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ эҳтиёжларга кўпгина ресурсларни ажратишга мажбур этган эди. Аммо биз ана шундай шароитда ҳам социал программаларни йиғиштириб қўйиш тўғрисидаги фикрни хаёлга ҳам келтирмадик. Ахир бутун ишимизнинг пировард мақсади совет халқининг турмушини яхшилашдан иборат-ку. (**Давомли қарсаклар**). Биз бунга кенг кўламда ёндашмоқдамиз. Биз одамлар моддий жиҳатдангина яхшироқ таъминланиб қолмасдан, шу билан бирга улар жисмоний жиҳатдан соғлом, маънавий баркамол, ижтимоий жиҳатдан фаол бўлишларини истаймиз.

Ўтган даврда миллий даромаднинг бешдан тўрт қисми халқ фаровонлигига сарфланди. Кишиларнинг реал даромадлари кўпайди. Ижтимоий истеъмол фондлари ҳам бойроқ бўлиб қолди. Ахир бу маорифга, соғлиқни сақлашга, пенсиялар тўлашга, уй-жой фондларини сақлашга берилаётган маблағ манбаи-ку.

Бизнинг Озиқ-овқат программамиз ҳам, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш системасини ривожлантириш юзасидан ҳозир ишлаб чиқилаётган программа ҳам кишиларнинг фаровонлигини оширишга қаратилган. Ҳозир сифатли, харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш соҳасида кўп иш қилинмоқда. Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари янгилана бошлади. Бу ишда биз Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашидаги мамлакатлар билан актив ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Уй-жой, мактабгача тарбия муассасалари қурилиши, касалхоналар ва поликлиникалар тармоғини кенгайтириш каби ҳаётий проблемалар — партия доимо ғамхўрлик қилаётган проблемалар жумласидандир. Ўтган йили икки миллиондан кўпроқ — кейинги беш йил ичидаги ҳар қандай йилга қараганда кўпроқ квартира барпо этилди. (**Давомли қарсаклар**). Уй-жой биноларини фойдаланишга топшириш юзасидан шу беш йиллик топшириғи жуда юксакдир. Аммо бу топшириқ бажарилибгина қолмай, балки ошириб бажарилади, деб ҳисоблаш учун асослар бор.

Биз ҳаммамиз уй-жой проблемаси ҳали тўла ҳал этилмаганлигини тушунамиз, албатта, бинобарин, уй-жой шароитларини янада яхшилаш йўлларини излайверамиз. Бунда фақат давлат маблағларигина ишга солиб қолинмайди. Эҳтимол кооператив асосдаги ва якка тартибдаги қурилишни ҳам дадилроқ кенгайтиравериш керакдир. (**Қарсаклар**). Болалар боғчалари ва яслиларига келганда шуни айтиш керакки, бу борадаги кескин аҳволни бирмунча сусайтиришга муваффақ бўлинди. Аммо ҳали кўп ишлар қилиниши керак.

Яқин йиллар ичида ўқитувчилар ва халқ маорифи бошқа ходимларининг иш ҳақини ошириш мўлжалланмоқда. Уруш ва меҳнат ветеранлари, кўп болали оилалар, ёш келин-куёвлар тўғрисида, умуман совет кишиларининг турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида бундан буён ҳам ғамхўрлик қилинаверади. (**Давомли қарсаклар**).

Чамаси, 1983 йил тўғрисида алоҳида гапириб ўтса арзийди. Ўзларингизга маълумки, Марказий Комитет Пленуми 1982 йил ноябрида ишлаб чиққан тадбирлар комплекси экономикамизга зўр куч бахш этди. Беш йилликнинг иқтисодий ўсиш суръатлари секинлашиб қолган дастлабки икки йилнинг ноқулай тенденциясини бартараф эта бошладик. Меҳнат унумдорлиги тезроқ орта бошлаганлиги, экономиканинг кўпгина бўғинларида сифат кўрсаткичлари яхшиланганлиги, айниқса, қимматлидир.

Сизнинг районингизни олиб кўрайлик. Саноат ишлаб чиқаришининг жамики ўсишига ишловчиларнинг сонини кўпайтирмай эришилди. Сизлар ҳозир меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш планини ошириб бажариш учун авж олиб кетган ҳаракатга актив қўшилдингиз. Тўқувчи Мария Дмитриевна Полешчукни, (**Қарсаклар**), токарь Александр Михайлович Горбуновни, (**Қарсаклар**), шишасоз Нина Сергеевна Измайловани, (**Қарсаклар**), йиғувчи-слесарь Александр Николаевич Серовни (**Қарсаклар**), Куйбишев районининг барча илғорларини меҳнатда эришган шахсий муваффақиятлари билан қутлашга ижозат бергайсиз. (**Давомли қарсаклар**).

Москва меҳнаткашлари икки ойлик планни бажарганликларини ва ҳатто бироз ошириб бажарганликларини Виктор Васильевич Гришин бугун менга маълум қилди. Бу — катта ютуқ. (**Қарсаклар**). Ана шу минбардан фойдаланиб барча москваликларга энг яхши истакларимизни билдиришга ва уларнинг улкан меҳнати учун катта раҳмат айтишга рухсат бергайсиз! (**Давомли қарсаклар**).

Эришилган натижалар — катта ишнинг бошланиши, холос, албатта, ўртоқлар. Ишларимиз, бунинг устига кечиктириб бўлмайдиган ишларимиз жуда кўп. Биз олға томон тезроқ бора оламиз ва шуни истаймиз. Экономикани интенсив ривожлантириш проблемаларини анча зўр ғайрат билан ҳал эта оламиз ва шундай ҳал қилишимиз керак. Чунки, фақат шу асосдагина халқнинг моддий ва маънавий талаб-эҳтиёжларини тобора тўлиқроқ қондириш мумкин.

Хуллас, келгуси режалар тўғрисида гапирганда оддий бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик керак: яхшироқ яшаш учун яхшироқ ишлаш лозим. (**Давомли қарсаклар**). Социал программаларимизни амалга оширишда олға томон муваффақиятли ҳаракат қилиб бориш учун экономикани ва аввало унинг самарадорлигини барқарор, муттасил ўстириш зарур. Марказий Комитетнинг декабрь ва февраль Пленумларида ҳам шу ҳақда гап борди.

Биз иқтисодий кўрсаткичларни ҳозирча асосан қўл остимизда, юзада турган резервлар ҳисобига яхшилашга эришдик, деса бўлади. Биз тартибни, уюшқоқликни, интизомни мустаҳкамлашга киришдик. Бу эса дарҳол сезиларли иқтисодий самара берди.

Яна ҳам олға — халқ хўжалигида чуқур сифат ўзгаришлари сари бораверишзарур.

Ҳали бизнинг экономикамизда шундай участкалар борки, улардаги қолоқлик кўзга яққол ташланиб турибди. Мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Машинасозликнинг тажриба-экспериментал базаси йўл қўйиб бўлмайдиган даражада заиф. Саноат ишлаб чиқаришида ва қурилишда оғир жисмоний ва малакасиз меҳнат улуши секинлик билан камайтирилмоқда.

Биз фан ва техниканинг замонавий ютуқлари асосида халқ хўжалигининг барча тармоқларини тез ва узлуксиз янгилашни таъминлашимиз мутлақо зарур. Бу бизнинг туб масалаларимиздан биридир. Бусиз жамият тараққиётини тасаввур этиш амри маҳол.

Партия экономикани бошқаришни кенг жабҳада такомиллаштиришни, хўжалик механизмини қайта қуришни авж олдириб юбориш тўғрисидаги масалани ҳам жуда ўткир масала қилиб ўртага қўймоқда. Бу ишнинг асосий йўналишлари белгиланган. Бу йўналишлар демократик централизмнинг ленинча принципига батамом мос келади.

Биз марказлаштирилган тарзда бошқариш ва планлаштиришни сўзсиз мустаҳкамлашимиз, бошқариш ҳамда планлаштиришнинг кўпроқ таъсирчанлиги ва эпчиллигига эришишимиз лозим. Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, умумдавлат хўжалик органлари ўзларининг бутун кучини мамлакат учун ҳақиқатан ҳам энг муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишга қаратадиган бўлсинлар. Уларнинг қандайдир ҳозирги юмушларини эса, тармоқ ёки маҳаллий ташкилотлар бўлишидан қатъи назар, қуйи ташкилотлар бемалол ўз зиммасига олишлари мумкин.

Биз тор маҳкамачилик, шунингдек, маҳаллийчилик мулоҳазалари билан қилинадиган ҳар қандай ҳаракатларнинг пайини қирқиб келдик ва бундан буён ҳам шундай қилаверамиз. Аммо, ўртоқлар, шуни яширмаса ҳам бўладики, маҳаллийчиликка қарши кураш ниқоби остида аслида маҳаллий ташаббусни бўғиб қўйиш ҳоллари ҳали ҳам учраб турибди. Бу жуда нотўғри иш. Иқтисодий регионлар, бирлашмалар, корхоналарда хўжалик жиҳатидан ташаббускорликни, ижодкорликни авж олдириб юбориш — энг муҳим ва айни умумдавлат аҳамиятига молик вазифаларнинг биридир.

Бу, агар билсангиз, мамлакатимиз халқлари дўстлигини — партия ленинча сиёсатининг энг муҳим асосларидан бирини янада мустаҳкамлаш масаласи ҳамдир. Ҳар бир республиканинг яхлит халқ хўжалик комплекси сифатида Совет Иттифоқи экономикасини ривожлантиришга самарали ҳисса қўшиш имкониятлари ортиб бориши керак. Ўз-ўзидан равшанки, бунда умумхалқ манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўйиш лозим. Бу нарса жамиятимизнинг, дунёқарашимизнинг интернационалистик табиатидан бевосита келиб чиқади. (**Қарсаклар**).

Ўртоқлар, хўжалик юритиш формалари ҳозирги замон талабларига мос бўлиши керак. Ҳозир ўтказилаётган бир қанча иқтисодий экспериментлар шубҳасиз шунга ёрдам беради. Уларнинг моҳияти корхоналарга кўпроқ ҳуқуқ беришдан, уларнинг масъулиятини оширишдан, уларни марказнинг ортиқча ҳомийлигидан халос қилишдан иборатдир. Тажрибада синаб кўриш, изланишлар босқичидан дадил олға ҳаракат қилишга ўтиш имконини беради. Аммо, ўртоқлар, бирон-бир экспериментга жалб этилган корхоналардагина изланиш ва янгиликни жорий этиш билангина қаноатланиб бўлмайди, албатта.

Масалан, хўжалик ҳисобидаги ишларни ҳамма жойда татбиқ этиш учун кенг имкониятлар яратиш зарурлиги ҳаммага маълум. Бунга ҳалақит бераётган нарсаларнинг ҳаммасини бартараф этиш керак.

Меҳнатга қараб тақсимлаш социалистик принципи ҳамиша ва ҳамма жойда амалга оширилиши биз шуғулланадиган энг асосий ишлардан бири бўлиши керак. Кимки бутун кучини сарфлаб меҳнат қилар экан, у иш ҳақида, албатта устунликка эга бўлиши лозим. (**Қарсаклар**). Биз ҳозир ҳам ландавур ходимларни пул билан жазолаб, ҳалол ходимларни эса мукофотлар билан тақдирлай оламиз, деб айтишлари мумкин. Дарҳақиқат, шундай, аммо афтидан жазо чораларида ҳануз қаттиққўллик, моддий рағбатлантиришда эса етарлича адолат истасангиз, баъзида сахийлик ҳам етишмаётганга ўхшайди. Бу масалани пайсалга солмай, у билан пухта шуғулланиш керак. (**Қарсаклар**).

Ҳар қандай эскилик ва қолоқликни қатъиян бартараф этиш лозим. Хуллас, экономика соҳасида: тўғри фикрдан, тўла тажриба орттириб, дадил ҳаракатлар сари! шиори шу куннинг шиори бўлиб қолиши керак. (**Қарсаклар**).

2.

Кўриб турибсизларки, ўртоқлар, бизда халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Бу ишларнинг енгил эмаслиги тушунарли. Мана шу ишлар айни қизиган ўтган йилнинг июнида партиянинг идеологик, оммавий-сиёсий фаолияти масалаларини кўриб чиқиш учун Марказий Комитет Пленуми тўпланди. Хўш, нима учун? Бунда бизнинг иқтисодий юмушларимиз билан қандай алоқа бор? Бевосита, чамбарчас алоқа бор.

Гап шундаки, бугунги кунда жамиятга партия раҳбарлигининг муваффақиятлари идеологик, ташкилотчилик, ва хўжалик ишининг бирлиги ленинча принципига изчил риоя этилишига ўтмишдагига қараганда анча кўпроқ даражада боғлиқдир.

(Давоми иккинчи бетда).

